



Муташобих оятларнинг маъноларини бандаларнинг билишлари мумкин ё мумкин эмаслиги хақида Ахли сунна уламоларининг икки хил машхур карашлари бор:

1. Жумхур мутакаллимлар ва факихларнинг карашлари: Муташобих оятларнинг таъвилини фақат Аллох билади, бошқа ҳеч ким билмайди.

2. Ибн Аббос, Мужоҳид ва Абул Хасан Ашъарийларнинг карашлари: Муташобих оятларнинг маъноларини илмда собит бўлганлар билишлари мумкин.

Иккала тараф ҳам ўз карашларига Оли Имрон сурасининг 7-оятини далил қилганлар. Муташобих оятларнинг таъвилини фақат Аллох билади, дейдиганлар бу оятга шундай маъно берганлар:

□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□

«Илмда собит бўлганлар унинг таъвилини биладилар. Агар таъвилини билмаганларида, носихини мансухидан, халолини харомидан, мухкамини муташобихидан ажрата олмасдилар».

Муташобих оятларнинг таъвилини билиш мумкин, дейдиганлар ушбулар каби ўнга якин далиларни келтирганлар [\[3\]](#) .

Иккала тарафнинг ҳам карашларини ва келтирган далилларини тахкик килиб ўрганиб чиккан уламолар куйидаги мулохазаларни айтадилар: Биринчи тараф барча муташобих оятларнинг таъвилини фақат Аллох билади, бирортасининг ҳам таъвилини бандаларнинг билишлари мутлако мумкин эмас, демаганлар. Иккинчи тараф ҳам барча муташобих оятларнинг таъвилини бандалар билишлари мумкин, демаганлар. Чунки хакикий маъносини бандалар мутлако била олмайдиган муташобих оятлар ҳам, илм маърифатлари юкори баъзи бандалар билишлари мумкин бўлган муташобих оятлар ҳам бор эканини бирор тараф ҳам инкор эта олмайдиган хакикатдир.

Ана шу эътибордан мухаккик уламолар муташобих оятларнинг маъноларини билиш мумкин ё мумкин эмаслиги жихатидан учга таксимлаганлар:

1. Бандаларнинг билишлари мутлако мумкин бўлмаган оятлар. Масалан:

□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□

«Улар учун ердан бир жонивор чикараммиз» (Намл сураси, 82-оят).

Ушбу оятда Аллох таоло ердан бир жонивор чикаришини айтган. Уни қачон чикаришини Аллохдан бошка ҳеч ким мутлако билмайди.

2. Бандаларнинг билишлари мутлако мумкин бўлган оятлар. Баъзи оятларда нотаниш лафзлар келган. Масалан:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□

«У томон шошиб, бир-бирларини туртиб келишди» (Соффат сураси, 94-оят).

Ушбу оятда келган □□□□□□□□□□калимасининг □□□□□□□□□□(шошиладилар) маъносида эканини билиш, мутла К
мумкин хисобланади.

3. Факат баъзи олимларгина билишлари мумкин бўлган оятлар. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам Ибн Аббос розияллоху анхунинг хакига килган дуоларида бунга ишора бор:

□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□ □□□□ □□□□□

«**Эй Аллохим, уни динда факих килгин ва унга таъвилни билдиргин**». Яъни ушбу дуонинг баракотидан Ибн Аббос розияллоху анху оятларнинг бошка кўпгина олимлар билмайдиган таъвилларини биладиганлардан бўлганлар. Бунга куйидаги ривоят ҳам далолат килади: Умар розияллоху анху (бир гурух сахобалардан): Аллох таолонинг «**Изаа жааъа насруллохи вал фатху**» деган сўзига нима дейсизлар?» – деди. Улардан баъзилари: «Қачон бизга нусрат ёки фатх берилса, Аллохга хамд ва истигфор айтишга амр килиндик, деймиз», – дедилар. Баъзилари эса сукут саклаб бирор нарса демадилар. Шунда у менга: «Сен хам шундок дейсанми

,
эй Ибн Аббос?!

»

– деди. «Йўк

»

, – дедим. «Нима дейсан?

»

– деди. «Бу Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг ажалларидир. Аллох буни у зотга билдирди. Агар Аллохнинг нусрати ва фатхи келса» ўша ажалнинг аломатидир. «Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истигфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб килувчидир», – дедим. Шунда Умар:

«
Аллохга касамки, мен хам бу борада факат сен айтган нарсанигина биламан, холос
»
, – дедилар.

Ушбу ривоят факат баъзи олимларгина билишлари мумкин бўлган оятлар хам борлигига далил хисобланади.

Абдулқодир АБДУР РАХИМ

[1] Оли Имрон сураси 7-оятининг маъноси.

[2] Муслим ривоят килган.

[3] Устоз доктор Абу Сарийъ Мухаммад Абу Сарийъ “Жомиул баян фи муташабихил Куръан” 1-жуз, 30-бет.

